

Конституциявий ислоҳотлар жамият равнақига хизмат қилади



Бугун Сурхондарё вилояти ҳокимлигида корхона ва ташкилот вакиллари, бошқармалар мутасаддилари, ҳудудий студиялардан бошқарув органларининг ҳудудий бўлинмалари масъуллари иштирокида Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан ўқув семинари ўтказилди.

Семинар видеоконференция алоқа шаклида ўтказилиб, унда Термиз туманидан мутасаддилар, соҳа мутахассислари туман ҳокимлигининг катта мажлислар залидан иштирок этишди.

Семинарда спикерлар томонидан бош қомусимиздаги асосий принциплар, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бurchлари ҳамда жамият ва шахс масалалари, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ҳамда сайлов тизимидаги фундаментал вазифалар юзасидан маълумотлар берилди.